Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 163 (4561).
20 июль 1981 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетида

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

1981 йилнинг иккинчи кварталидаги шаҳардаги районлар, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги мусобақа якуни тўғрисида.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети 1981 йилнинг иккинчи кварталидаги шаҳардаги районлар, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа якунини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг машинасозлик, электрон ва электротехника саноати корхоналари ўртасидаги мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроғи **«Ташсельмаш»** заводи коллективига (директори О. В. Новицкий, партком секретари А. Н. Мақсудов, касаба союз комитети раиси И. А. Самарцев, комсомол комитети секретари Н. А. Шаропов) берилди. Бу корхона коллективи шу йилнинг квартал планини саноат маҳсулоти реализацияси ҳажми бўйича 101,9 процент бажарди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг 18,1 процент ўсишини таъминлади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи «Ғлавташкентстрой»нинг **159-қурилиш тресті** коллективига (бошқарувчиси К. П. Тўлаганов, партия ташкилотининг секретари И. В. Прасолов, касаба союз комитети раиси М. М. Саъдиев, комсомол комитети секретари Г. Ивашченко) берилди. Бу трест коллективи бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 103,3 процент, шу жумладан, ўз кучлари билан 110,5 процент бажарди, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва қурилиш таннархини арзонлаштириш бўйича топшириқларни муваффақиятли адо этилишини таъминлади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроқ **«Ташкентпиво»** ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективига (бош директори Г. А. Гуржиев, партия ташкилотининг секретари К. С. Макаркин, касаба союз комитети раиси Т. Жалолбоева, комсомол комитети секретари А. Иноятов) берилди. Бу корхона коллективи маҳсулот реализация ҳажми бўйича квартал планини 104 процент бажариб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг 25,6 процент ўсишини таъминлади, иккинчи квартал учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ортиғи билан адо этди.

Шаҳар районлари ичида иккинчи кварталдаги иш якунини бўйича капитал қурилишда **Чилонзор районининг қурилиш-монтаж ташкилотлари** энг яхши натижаларга эришди. Бу районда турар-жойларни фойдаланишга топириш квартал плани 130 процент, асосий фондларни ишга тушириш плани 198 процент, пудрат ишлари плани 119 процент адо этилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи **«Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш тресті** коллективига (бошқарувчиси К. П. Тўлаганов, партия ташкилотининг секретари И. В. Прасолов, касаба союз комитети раиси М. М. Саъдиев, комсомол комитети секретари Г. Ивашченко) берилди. Бу трест коллективи бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 103,3 процент, шу жумладан, ўз кучлари билан 110,5 процент бажарди, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва қурилиш таннархини арзонлаштириш бўйича топшириқларни муваффақиятли адо этилишини таъминлади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг машинасозлик, электрон ва электротехника саноати корхоналари ўртасидаги мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроғи **«Ташсельмаш»** заводи коллективига (директори О. В. Новицкий, партком секретари А. Н. Мақсудов, касаба союз комитети раиси И. А. Самарцев, комсомол комитети секретари Н. А. Шаропов) берилди. Бу корхона коллективи шу йилнинг квартал планини саноат маҳсулоти реализацияси ҳажми бўйича 101,9 процент бажарди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг 18,1 процент ўсишини таъминлади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи «Ғлавташкентстрой»нинг **159-қурилиш тресті** коллективига (бошқарувчиси К. П. Тўлаганов, партия ташкилотининг секретари И. В. Прасолов, касаба союз комитети раиси М. М. Саъдиев, комсомол комитети секретари Г. Ивашченко) берилди. Бу трест коллективи бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 103,3 процент, шу жумладан, ўз кучлари билан 110,5 процент бажарди, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва қурилиш таннархини арзонлаштириш бўйича топшириқларни муваффақиятли адо этилишини таъминлади.

Ўзаро мусобақадош районлар ўртасидаги 1981 йилнинг иккинчи кварталидаги социалистик мусобақа якунида қуйидагилар ғолиб деб топилди: Акмал Икромов ва Сергели районлари ўртасидаги мусобақада — Акмал Икромов райони. Киров ва Собир Раҳимов районлари ўртасидаги мусобақада — Киров райони. Ленин ва Фрунзе районлари ўртасидаги мусобақада — Фрунзе райони, Октябрь ва Чилонзор районлари ўртасидаги мусобақада — Октябрь райони, Ҳамза ва Куйбишев районлари ўртасидаги мусобақада — Куйбишев райони.

Шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га 54 та саноат, транспорт, алоқа корхоналари, қурилиш-монтаж ва лойиҳа ташкилотлари коллективлари номи ёзилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг машинасозлик, электрон ва электротехника саноати корхоналари ўртасидаги мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ «Узавтотранстехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг **145-автомобиль корхонаси** коллективига (директори А. А. Мадалимов, партия ташкилоти секретари Ш. Х. Хамзин, касаба союз комитети раиси А. Т. Василевский, комсомол комитети секретари А. Бойматов) берилди. Бу корхона коллективи пассажирлар ташиш бўйича квартал планини 100,7 процент, фойда олиш бўйича 138 процент бажарди, меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича планнинг 101,7 процент адо этилишини таъминлади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи «Узавтотранстехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг **145-автомобиль корхонаси** коллективига (директори А. А. Мадалимов, партия ташкилоти секретари Ш. Х. Хамзин, касаба союз комитети раиси А. Т. Василевский, комсомол комитети секретари А. Бойматов) берилди. Бу корхона коллективи пассажирлар ташиш бўйича квартал планини 100,7 процент, фойда олиш бўйича 138 процент бажарди, меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича планнинг 101,7 процент адо этилишини таъминлади.

Ўзаро мусобақадош районлар ўртасидаги 1981 йилнинг иккинчи кварталидаги социалистик мусобақа якунида қуйидагилар ғолиб деб топилди: Акмал Икромов ва Сергели районлари ўртасидаги мусобақада — Акмал Икромов райони. Киров ва Собир Раҳимов районлари ўртасидаги мусобақада — Киров райони. Ленин ва Фрунзе районлари ўртасидаги мусобақада — Фрунзе райони, Октябрь ва Чилонзор районлари ўртасидаги мусобақада — Октябрь райони, Ҳамза ва Куйбишев районлари ўртасидаги мусобақада — Куйбишев райони.

Шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га 54 та саноат, транспорт, алоқа корхоналари, қурилиш-монтаж ва лойиҳа ташкилотлари коллективлари номи ёзилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетида

ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСЛАРИНИ ТЕЗРОҚ ҚУРАЙЛИК

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи **Куйбишев районига** (Ўзбекистон Компартияси район комитетининг биринчи секретари Б. Қ. Алиев, район ижроия комитети раиси Ш. У. Саидов, район комсомол комитети секретари У. Иноғомов) берилди. Бу район меҳнат коллективлари маҳсулот реализация қилиш, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш, қолоқларсиз ишлаш бўйича социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этди, маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришда юксак суръатларга эришди.

Октябрь, Собир Раҳимов, Киров ва Ҳамза районлари саноат корхоналарининг яхши ишлаганлиги таъкидланди. Бу районларда барча асосий технико-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича квартал планининг бажарилиши таъминланди ва иккинчи квартал учун қабул қилинган социалистик мажбуриятлар ортиғи билан адо этилди.

Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети, Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг машинасозлик, электрон ва электротехника саноати корхоналари ўртасидаги мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроғи **«Ташсельмаш»** заводи коллективига (директори О. В. Новицкий, партком секретари А. Н. Мақсудов, касаба союз комитети раиси И. А. Самарцев, комсомол комитети секретари Н. А. Шаропов) берилди. Бу корхона коллективи шу йилнинг квартал планини саноат маҳсулоти реализацияси ҳажми бўйича 101,9 процент бажарди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг 18,1 процент ўсишини таъминлади.

Шаҳар районлари ичида иккинчи кварталдаги иш якунини бўйича капитал қурилишда **Чилонзор районининг қурилиш-монтаж ташкилотлари** энг яхши натижаларга эришди. Бу районда турар-жойларни фойдаланишга топириш квартал плани 130 процент, асосий фондларни ишга тушириш плани 198 процент, пудрат ишлари плани 119 процент адо этилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи «Главташкентстрой»нинг **159-қурилиш тресті** коллективига (бошқарувчиси К. П. Тўлаганов, партия ташкилотининг секретари И. В. Прасолов, касаба союз комитети раиси М. М. Саъдиев, комсомол комитети секретари Г. Ивашченко) берилди. Бу трест коллективи бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 103,3 процент, шу жумладан, ўз кучлари билан 110,5 процент бажарди, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва қурилиш таннархини арзонлаштириш бўйича топшириқларни муваффақиятли адо этилишини таъминлади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи 1981 йилнинг иккинчи кварталидаги районлараро социалистик мусобақада ғолиб чиққан **Октябрь районига** (район партия комитети секретари О. Расулов, район Совети ижроия комитети раиси М. Аъзамов, район комсомол комитети секретари А. Мунавварова) берилди. Октябрь райони комплекс объектлари қурилишида белгиланган план-топшириқларни ва муваффақиятли бажарди.

«Промгражданстрой» трестининг **5-механизациялашган кўчма колоннаси** коллективи корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб деб топилди.

Район партия комитетларига биркитилган объектларни эз вақтида, белгиланган муддатда ишга туширишни таъминлаш бўйича зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаш тавсия этилди.

● ФУТБОЛ

ҲИСОБ ОЧИЛМАДИ

Кеча Марказий «Пахтакор» стадиони яна томошабинлар билан гавжум бўлди. Олий лига футбол командаларининг навбатдаги тур учрашувида тошкентлик пахтакорчилар Москванинг Марказий Армия спорт клуби командаси футболчиларини қабул қилдилар. Тенг кураш вазиятида ўтган бу учрашувда ҳисоб очилмади. Шундай қилиб командалар ўз ҳисобларига биттадан очко ёзишди.

Навбатдаги тур учрашувини 23 июль куни «Пахтакор» ўз майдонида ўтказади. Бунда ҳамшаҳарларимиз Москванинг «Торпедо» командаси футболчилари билан куч синашадилар.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

БУГУН

Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси М. Қодирова бирлашма бўйича биринчи бўлиб йиллик планни ортиғи билан бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Ўтган беш йилликда ҳам М. Қодирова бирлашмада биринчи бўлиб беш йиллик плантопшириқларини бажарган эди.

Айни пайтда моҳир тўқувчи бешта машинани бир ўзи бошқаряпти.

Бирлашманинг Р. Маткаримова, К. Шушанова, Т. Молева сингари тўқувчилари М. Қодировага эргашиб, бир беш йиллик — иккі беш йиллик планини бажариш учун курашмоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинатида қўплаб ишчилар беш йиллик программасини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақада актив иштирок этмоқдалар. Жумладан, коммунист Санобар Исаева янги бир ташаббус билан чиқди. У ўн биринчи беш йиллик биринчи йили топшириғини ўн ойда бажаришга аҳд қилди. Ярим йиллик топшириқни эса у беш ой мобайнида адо этди. Шу кунларда смена топшириқларини бир ярим баравар адо этаётган моҳир тўқувчи кўзлаган марра сари дадил боряпти.

СУРАТДА: С. Исаева ҳамкасби Г. Майнусова билан тайёр газлама сифатини кўздан кечиряпти.

В. Сироткин фотоси.

ПРАВДА саҳифаларида

● Газетанинг бугунги бош мақоласи «Партия группаларининг кучи нимада?» деган сарлавҳа билан номланган.

Мақолада беш йилликнинг асосий масалаларини ҳал этишда партия группалари олдида турган вазифалар қайд этиб ўтилган.

● Газетада КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Станислав Каняга Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретарлигига қайта сайланганлиги муносабати билан йўллаган табрик телеграммаси эълон қилинган.

Умри Азизова кўн-галантерея фабрикасида 8 йилдан бери тикувчи-моористка бўлиб ишлаб келмоқда. Бу илғор ишчи смена топшириғини 150 процент қилиб бажармоқда. У социалистик мусобақа якунида мусобақа ғолиби деб топилди.

СУРАТДА: илғор тикувчи У. Азизова.

● *Бугун — Тошкент тўқимачилик комбинатида*

БАЙРОҚНИ БАЛАНД КЎТАРИБ

КПСС XXVI съезди тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган тўқимачилик комбинати ишчи ва хизматчилари кун сайин социалистик мусобақа байроғини баланд кўтармоқдалар. Меҳнат беллашувида 11 мингдан ортиқ киши иштирок этмоқда. Мусобақада одатдагидек кўпстанокчилар — Д. Қулматова, К. Ёқуббоева, М. Турсунхўжаева, В. Солдатова, Л. Казанцева ва бошқалар пешкадамлик қилишаяпти. Уларнинг кўпчилиги ўн биринчи беш йиллик программасини Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллиги юбилейига қадар бажариш мажбуриятини олганлар.

● *«Ўн бешлар ташаббуси» — амалда*

ИЗДОШЛАР

Меҳнат коллективларида турли хил ташаббуслар пайдо бўлмоқда. Бу ташаббуслар биринчи навбатда КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишга қаратилгандир. «Ўн бешлар ташаббуси» ҳам республикамиз донгдор ишчилари бошлаган ана шундай ажойиб ҳаракатларидан бири бўлди.

Мен ҳам ана шу ташаббус ижодкорлари билан бўлган учрашувда иштирок этиб, уларнинг сўзларини эшитиб, завқланиб ва илҳомланиб кетдим. Кўплар қатори бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олдим. Карамоғимда ҳозир 96 та станок бор. Ойлик топшириқларни ортиғи билан бажаришга эришаяпман. «Ўн бешлар ташаббуси» фабрикамиз ишчилари орасида ҳам оммалашяпти. Масалан, касбдошларим М. Попрацкий ва С. Прохоровлар бу ташаббусга қўшилиб, бошқараётган станоклар сонини 106 тага етказдилар ва улар белгилаган марра сари дадил бормоқдалар.

С. ПУЛАТОВ.
1-тўқув фабрикаси мастер ёрдамчиси.

Беш йиллик план — республика юбилейига

КАЛЕНДАРДА — 1983 ЙИЛ

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, илғор тўқувчи Каромат Ёқуббоева корхонанинг барча машъаллари каби юксак мароларни қучиб, кўзлаган меҳнат чўққиси томон дадил бораяпти. Ёш ва лекин моҳир тўқувчи К. Ёқуббоева комбинатда биринчилар қатори бир йилда икки йиллик топшириқни бажариш ташаббусига қўшилган эди. Лекин у бошқа бир ташаббус билан майдонга чиқди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 60 йиллигига қадар, яъни 1984 йилнинг 24 октябригача икки беш йиллик программани бажаражагини маълум қилди.

Ҳозирда моҳир тўқувчи ўз хизмат зонасини кенгайтириб, 36 та АТПР-100 маркали тўқув дастгоҳларини бошқармоқда. План топшириқларини ортиғи билан адо этиб, тўқилган газламани биринчи тақдимлаёқ техника назоратига топширмоқда. Иш вақтидан, илғор иш усулларидан унумли фойдаланаётган ишчининг меҳнат календарида 1983 йил бошланди.

Техника тараққиёти йўлида

ЮКСАК САМАРА

Комбинат ижодий фикр кишилари ўзларининг анъанавий байрамларини ҳар қачонгидан ҳам катта ютуқлар билан қарши олдилар. Улар қатор йиллар давомида шу жумладан, ўтган йили меҳнаткашларнинг илмий-техника ижодиёти бўйича республика мусобақасида актив иштирок этиб, юксак натижаларни қўлга киритганлари учун Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги, тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари касаба союзлари республика комитети ва Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти республика Советининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Айниқса, пардозлаш фабрикаси мастерлари В. Мутин, А. Худоёров, шу фабриканинг пардозлаш цехи бошлиғи Е. Любимцева ва бошқалар киритган таклифлар жуда катта иқтисодий самара келтирмоқда. Фақат шу йилнинг биринчи кварталида ижодий фикр кишилари 175 та таклифни ишлаб чиқаришга жорий этиб, 191275 сўмлик иқтисодий самара олдилар.

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Меҳнат беллашуви самараси

Куйбишев район партия ташкилотининг партия активи йиғилиши ишчанлик вазиятида, бажарилган вазифаларни ва олдинда турган топшириқларни талабчанлик билан баҳолаш руҳида ўтди. Унинг ишида Ҳамза райони меҳнат коллективлари вакиллари иштирок этишди. Райондаги саноат, транспорт, алоқа корхоналари, қурилиш ташкилотлари, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари коллективлари ўртасидаги иш якунлари ва социалистик мусобақага якун ясалди, иккинчи ярим йилликдаги топшириқларни муваффақиятли бажариш бўйича вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари **Б. Алиев** доклад қилди. Район саноати ходимлари ярим йиллик планни муддатидан илгари адо этдилар, топшириққа қўшимча 4 миллион сўмликдан кўпрок маҳсулот реализация қилиндик. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 90 процентга яқинига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Ҳозирги пайтда районда 30 мингдан ортиқ меҳнаткаш социалистик мусобақада иштирок этиб, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларини кўлга киритяпти. 3 мингдан ортиқ ишчи 1981 йил топшириғини Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига бажариш учун курашяпти. 200 га яқин ишчи беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажариш мажбуриятини олди.

Ҳамза райони корхоналарида ялпи маҳсулот ўсиш ҳажми 5,7 процент ўсди. Ярим йилликда район индустрияси планга қўшимча 9.946 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Меҳнат коллективларининг ижодий активлиги ўсди. Январь-июнь ойларида ишлаб чиқаришга 1,4 минг сўмлик рационализаторлик таклифи жорий этилди. Бунинг натижасида 5 миллион сўмликдан ортиқ иқтисодий тежамга эришилди. Йиғилганлар олдида Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Нажмиддинов** мана шулар ҳақида гапирди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент трактор заводининг директори **И. Мусин**, «Ташсельмаш» заводи партия комитети секретари **А. Мақсудов**, экскаватор заводи крановиси **Т. Гаврилова**, «Таштракторосгой» трестига қарашли 126-механизациялашган колонна бошлиғи **В. Ан** ва бошқалар мусобақага якун ясаб, диққат-эътиборни фойдаланилмаган резерваларга, мавжуд имкониятларга қаратдилар.

Куйбишев ва Ҳамза районлари ўртасидаги социалистик мусобақада Куйбишев райони ғолиб деб топилди.

Йиғилиш ишида иштирок этган Тошкент шаҳар партия комитети секретари **Б. Ғ. Халилов** Куйбишев районига шаҳар районлари ўртасидаги иккинчи кварталдаги социалистик мусобақа ғолиби сифатида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди.

Барча резервлар — ишлаб чиқаришга

Собир Раҳимов район партия комитетининг мажлислар залида партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Актив ишида Киров райони корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг вакиллари қатнашдилар. Унда ярим йиллик социалистик мусобақа якунлари муҳокама қилинди, беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш бўйича вазифалар белгиланди.

Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ярим йиллик топшириқни 3,8 процентга ошириб бажардилар, пландан ташқари 3.142 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг тўла ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари **З. Абдураҳимов** ўз докладида қурувчилар, транспорт ходимлари, алоқа, маиший хизмат корхоналари ишидаги юксак меҳнат кўтаринкилигидан мисоллар келтирди, ишдаги йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни очиб ташлади. Ишлаб чиқариш резервлари кўрсатиб берилди.

Сўзга чиққан Киров район партия комитети биринчи секретари **М. Камолова** ҳам мусобақадош бригадалар, участкалар, цехлар, корхоналар коллективларининг меҳнат беллашуви якунларини чуқур анализ қилиб берди. Мамлакат ва республика халқ хўжалиги кировликлардан ярим йиллик топшириққа қўшимча 2,7 миллион сўмлик турли хил буюмлар қабул қилиб олдилар.

Актив йиғилишида сўзга чиққан «Компрессор» заводининг токари **П. Овсянников**, «Миконд» заводи партия комитети секретари **А. Фозилбеков**, 11-«Висотстрой» трести бошқарувчиси **П. Саркисов** ва бошқалар мавжуд бўлган катта резервлар тўғрисида, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ишидаги қийинчиликларни бартараф этиш, белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариш, резервларни ишга солиш тўғрисида гапирдилар.

Район коллективлари ўртасидаги иккинчи квартал социалистик мусобақасида, кировликлар ғолиб топилди.

Актив йиғилишида қабул қилинган қарорда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, барча коллективларнинг беш йилликнинг биринчи йили учун белгиланган планларни муваффақиятли бажариш бўйича вазифалари белгилаб олинди.

телетайп лентасидан

△ СОФИЯ. Бу ердаги комплекс автоматлаштириш институтида Болгария пойтахтида атроф-муҳитнинг ахволини контроль қилувчи электрон-ҳисоблаш системаси ишлаб чиқилди. Марказий диспетчерлик пунктига шаҳарнинг турли районларидан келган узлуксиз ишлаб чиқилаётган ахборотларда атмосферадаги зарарли аралашмалар тўғрисидаги маълумотлар ёзилган бўлади. Бу система ҳавонинг намлиги ва ҳарорати, қўёш радиацияси ва шамол тезлиги тўғрисида ҳам ахборот бериб туради.

△ **МАНАГУА. Никарагуа хавфсизлик органлари ходимлари Нуэва-Сеговия департаментида контрреволюцион тўдаларни зарарсизлантириш юзасидан муваффақиятли операция ўтказдилар. Отишма вақтида Гондурас территориясидан ёшириб олган тўдалардан икки киши ўлдирилди, яна икки киши асирга олинди.**

Бу тўдалар маҳаллий аҳолини террор қилиб, жабр-зулм ўтказиб, деҳқонларни талардилар, уйларига ўт қўйдилар, молларини олиб кетдилар.

△ АЛ-ЖАЗОИР. Бу ерда ЖХДР Президенти Шодли Бинжадид билан икки кунлик визит билан Жазоирга келган Сурия президенти Ҳафиз Асад ўртасида музокаралар тугади.

Музокаралар давомида Яқин Шарқдаги вазиятга таалуқли масалалар кўриб чиқилди.

Х. Асад матбуот учун берган баёнотида миллат ва қаршилик кўрсатиш миллий фронтига аъзо бўлган мамлакатлар, барча араб халқлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш чоғида томонлар қуқтаи назарларнинг бирлигини таъкидлаб ўтди. Империалистик ҳужумга қарши ҳаракат қилиш бу масалалардан энг муҳимидир, деди САР Президенти.

△ **БЕЛГРАД. Югославияда Черногория халқ қўзғолони куни тантанали нишонланди. 40 йил муқаддам Югославия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қуролли қўзғолонни бошлаш тўғрисидаги қарорига жавобан қўлга қурол олиб фашист босқинчиларига қарши курашдилар.**

Байрам муносабати билан республиканинг шаҳар ва қишлоқларида кўп кишилик митинглар, йиғилишлар, озодлик ҳаракатининг ветеранлари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

△ БАНГКОК. Таиланддаги бир қанча давлат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари, шу жумладан, телефон алоқа ва сув таъминоти ходимлари забастовка эълон қилдилар. Улар иш ҳақини 25 процент оширишни ва меҳнат шароитларининг яхшиланишини талаб қилмоқдалар. Таиланд давлат хизматчилари касаба союзларининг вакили маъмурлар иш ташловчиларнинг талабини қондирмас экан, бошқа барча давлат хизматларининг ходимлари ҳам забастовкага қўшилишларини, айтди.

△ **ДОРУС-САЛОМ. Танзания молия министри А. Жамол халқаро валюта фондини кескин танқид қилди. Халқаро валюта фондининг хатти-ҳаракатлари, деди у, ривожланаётган мамлакатларга зарар етказади.**

Министр бу ерда Шарқий ва Жанубий Африкадаги 15 мамлакат банк вакилларининг кенгашида нутқ сўзлаб, фонд заёмлар ажратиб берётган шароит ривожланаётган мамлакатлар учун номақбулдир деб айтди. 70-йилларда фондан маблағ ажратиш шартлари шундай эдики, бунда ана шу мамлакатлар фондан қарз олишга интилмас эдилар, деди министр.

Юнусобод массиви йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ерда кўплаб турар-жой бинолари, маданий-маиший объектлар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Янгидан-янги ташкил этилаётган хиёбон ва микрорайонлар эса массив ҳуснига ҳусн қўшяпти.

СУРАТДА: массивнинг «СВ-4» микрорайонида қад кўтарган янги турар-жой биноларини кўриб турибсиз.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

• *Беш йиллик илғорлари*

САДОҚАТ

Механика заводининг қуйиш цехи. Сиртдан қараган кишига гўё осудалик ҳукмронлик туюлади бу ерда. Лекин ичкарига кираркансиз, ажойиб манзарага дуч келасиз. Цехнинг марказий қисмидаги кенглигда тартиб билан терилган металл қолипларга кўзингиз тушади. Ярим ялангоч бўлиб олган уч-тўрт азамат йигит қолипларга кўмир кукунига ўхшаш тупроқ (аноҳ) солишяпти. Металл эритувчи печлардан чиқаётган олов қўёш нурлари сингари ялт-юлт этиб кўзларни қамаштиради. Олов тафтидан юзлари қип-қизариб кетган икки йигит махсус челаклар ёрдамида печ қозонидан эриган металл олиб, қолипларга қуйишмоқда.

Бирдан конвейер ҳаракатга келди. Металл қуйилган қолиплар қўшни — саралаш участкасига ўта бошлади. Бу ерда қолипдан тушган деталларни тубордан соқит қилувчи автомат ғалвир ўрнатилган. Ғалвир ёнида чанг-тупроқдан ҳимоя қилиш учун бошини ва оғиз-бурнини оқ сурп билан тағиб олган Февзи ака қолипларнинг яқинроқ келишини кутарди. Мана, конвейердаги биринчи қолиб ғалвир тўғрисига келди. У қора тугмача (кнопка)ни босган эди, ғалвир титраб-титраб ишлай бошлади. Февзи ака дарҳол осма илгичнинг икки илгагини биринчи қолиб тутқичига солди-да, даст кўтариб ғалвирга ташлади. Зарб билан ғалвирга тушган қолиндан қизиган тупроқ аралаш тайёр деталь ажралиб чиқди. Февзи ака қолипни яна қайта конвейерга қўйди-да, яқинлашиб қолган навбатдаги қолипга илгак солди... Мазкур жараённи уч тўрт марта такрорлагач, ғалвир устига сакраб чиқди ва чўғланиб ётган кумуш ранг деталларни қўлқопли қўллари билан ғалвир атрофига қўйилган темир ящикларга тез-тез сола бошлади. Бу икки жараённи Февзи ака тез ва аниқ бажарар эди. Агар оз бўлса-да сусткашликка йўл қўйилса борми, иш жараёни ердан чиқади. Натижада бу ҳолат бутун цехга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Буни бутун вужуди билан ҳис қилган Февзи ака иш бошлашидан бир соат олдин тайёргарлик кўради, ишчининг нормал ҳаракатини текширади, ғалвирни тозалайди, бўш вақти қолса ҳамкасбларига ёрдамлашади. Бир сўз билан айтганда, тиниб-тинчимас, жонкуяр, сахий қалб, мўътабар инсон.

Февзи ака билан дам олиш хонасида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Кўринишдан содда, камтарин. Мана, конвейердаги биринчи қолиб ғалвир тўғрисига келди. У қора тугмача (кнопка)ни босган эди, ғалвир титраб-титраб ишлай бошлади. Февзи ака дарҳол осма илгичнинг икки илгагини биринчи қолиб тутқичига солди-да, ғалвир, чайир қўлларининг катта-кичик томирлари бўртиб чиққан, кўзлари кишига самимий боқарди.

— Меҳрибон онамнинг айтган ушбу сўзлари ҳеч ёдимдан чиқмайди, — деб гапира бошлади Ф. Халилов. «Ўғлим, қаерда яшамагин, қандай иш қилмагин, ҳалол яша, виждонан ишла, тўғри бўл. Ҳеч кимга ёмонликни раво кўрма. Танангга озор берувчи, соғлиғингга зарар қилувчи ичимликлардан доимо йироқ юр. Бу фазилат сенга узоқ умр, туганмас бойлик ҳадя этади.»

Онамнинг деганлари мен учун ҳам қонун, ҳам битмас бойлигимдир.

1946 йилнинг баҳор палласи. Кўклам қуёши нур таратиб, Ўзбекистон табиати ўзгача бир виқор билан ўз жамолини оламга кўз-кўз қила бошлади; у ошиқларга ғулдаста, жажжиларга шодлик, нуроний отаҳонларга, мунис, мўътабар онаҳонларга роҳат, фароғат дамларини инъом қилаётган бир пайтда навқирон йигит — Февзи қалби тўла орзулар билан ўзи туғилиб ўсган Қримдан Тошкентга келди. Комбинатда уни илиқ кутиб олишди.

Комбинат раҳбарларидан бири ёқимтой бу йигитчадан: «Ким бўлиб ишламоқчисиз?» деб сўраганида у: «Комбинатнинг «юраги»да ишламоқчиман» деб жавоб берганди.

«Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас» деганларидек, Февзи ваъдасини бажариш учун астойдил меҳнат қилишга бел боғлади. У механика заводида ёрдамчи ишчи бўлиб ишлай бошлади. Унинг танаси оловда, машаққатли меҳнатда тобланди. Билаклари метинга айланди. У энди қадрдон бўлиб қолган, чўғланган деталларсиз кундалик ҳаёт завқини тасаввур қилолмасди.

Печда ёнаётган олов нури кўзларни қамаштиради. Февзи ака қозонда эриётган металлни дадил челак ёрдамида олиб қолипларга қуяди.

Кунларнинг бирида цехнинг (собиқ) бошлиғи Сайфи Зуҳуров ҳузурига Февзини чақиртирди.

— Февзи, сиздан чексиз миннатдормиз. Ўз касбингизни ардоқлаяпсиз. Фақат мен эмас, бутун цех коллективи сиздан мамнун, сиз билан фахрланишади.

Февзи ҳеч нарсага тушунмай, елка қисди. Унинг ҳолатини тез пайқаган бошлиқ муддаога ўта қолди:

— Цехимизда яна бир касб бор. Мураккаб бўлмаса-да, оғир жараён. Кўпгина ишчилар ишладилар бу касбда. Лекин эплай олмадилар. Сиз ҳам бир уриниб кўрсангиз, балки ўрганиб кетарсиз.

— Ҳаракат қилиб кўраман, — деди қатъий оҳангда Февзи.

— Ҳозирча ёнингизга бир ёрдамчи ҳам қўшиб қўяман, — деди С. Зуҳуров.

Цехдаги энг оғир касб детални қолипдан уриб тушириш эди. Чунки бу жараён кишидан катта куч, аниқлик ва чаққонликни талаб қилади. Дастлаб бу ишни бажариш Февзига ҳам оғир кўчди; бир-икки қолипнинг деталини уриб тушириб, уларни ящикларга солгунча навбатдаги қолиплар ёнидан ўтиб кетар, уларни илгак ёрдамида ғалвирга олиб келгунча кўп қийналарди. Кунлар ўтди, машаққатлар ортда қолди. Февзи янги ишни ҳам пухта эгаллаб олди.

— Февзига қойил қолса бўлади, — дейди металл қуювчи Ислом ака Шарипов. — У билмаган касб, у қилмаган иш қолмади цехда. Албатта, у ҳар бир ишга кўл урдими, уддасидан чиқмагунча қўймайди. Ҳар бир ишни виждонан бажаради, охирига етказади.

— Цехимизда норма бўйича ҳар сменада 1—1,5 тонна металл қуйилиши керак, — дейди цех бошлиғи Қудрат Қодиров. — Ҳолбуки, бизда план ортиғи билан (120—130 процент) бажарилаётир. Февзи ака нормадаги 1,5 тонна ўрнига 2 тоннага етказиб деталь уриб туширимоқда.

Цех бошлиғининг гапида жон бор. Қолипда шаклга кирган деталлар қанча тез тушириб олинса, иш унуми шунча юқорига кўтарилади. Буни уриб туширувчи (вибившчик) Февзи ака Халилов жуда яхши билади. Шунинг учун қолипга тушган деталларни пешма-пеш уриб тушириб, бўш қолипларни қуювчиларга ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қилади. Қуювчилар эса қолипларга металл қуйишни давом эттирадилар.

Мана 36 йилдирки, Февзи ака Халилов Тошкент тўқимачилик комбинатидаги механика заводининг қуйиш цехида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Унинг кўп йиллик меҳнати корхона касаба союз комитети ва Ўзбекистон ССР тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари ходимлари касаба союз комитети томонидан муносиб баҳоланди.

1969 йили «Коммунистик меҳнат зарбдори» унвонига эга бўлди. Бу шарафли ном унга янги марралар сари руҳлантирди. Орадан бир йил ўтгач, В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейи муносабати билан юбилей медалини олишга сазовор бўлиш билан бирга «Ленинча беш йиллик зарбдори» бўлди.

Ишчи касби улуғ ва мўътабар касб. Уни ардоқлай билиш, жамиятимиз манфаати йўлига хизмат қилдириш ҳар бир ишчининг шарафли ва масъулиятли қурчидир. Февзи ака Халилов бу бурчни оқилона ўтаб келмоқда. У ўзи сингари ишчиларнинг ҳам шундай бўлишини истайди. Зотан, касбига садоқатли инсоннинг иқболи ҳамиша порлоқ бўлади.

С. ЖУРАБОЕВ.

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА.

Халқ хўжалигини молия таъминоти, ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини бажаришда ресурсларни ажратиш соҳасидаги эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БУЙИЧА:

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Беккулбеков Замон Мустафоевич — халқ депутатлари Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети молия бўлими мудири.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Умаров Турсун-Мурод — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар бошқарувчиси.

Хусниддинов Иброҳим Камолович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири.

Шерембоев Ғани — Ўзбекистон ССР Молия министрлигининг Тошкент шаҳри бўйича бош контролер-ревизори.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Крикоров Артаваз Аванесович — Ўзбекистон ССР Молия министрининг биринчи ўринбосари.

Сказренко Мария Георгиевна — Ўзбекистон ССР Молия министрлиги бошқарма бошлиғи.

«ШАВҚАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Акмалова Ҳамида Фозиловна — Тошкент молия техникуми ўқитувчиси.

Қосимов Минавар Иброҳимович — Ўзбекистон республика касаба союзлари Совети инструктор-ревизори.

Огаркова Марешада Қосимовна — Ўзбекистон ССР Молия министрлиги бўлим бошлиғи.

Ражабов Обид Маҳкамович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим инструктори.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Багаева Светлана Матвеевна — Ўзбекистон ССР Давлат страхованиеси бош бошқармаси бўлим бошлиғи.

Болтабоев Ёқуб — Давлат страхованиеси Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси катта инспектори.

Серенков Дмитрий Васильевич — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар бошқармаси катта референти.

Тиллаева Манзура Тиллахўжаевна — Ўзбекистон ССР Молия министрлиги бўлим бошлиғи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил, 12 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СТУДЕНТЛАР ОТРЯДЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Студентлар отрядлари сафида ўнинчи беш йиллиқда эришган юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳамда ўқишда, илмий ва жамоат ишларидаги муваффақиятлари учун мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БУЙИЧА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Искандаров Саъдулла — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректори.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Бердимуродов Эшмамат — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети студенти.

Ткачев Сергей Юрьевич — Тошкент автомобиль йўллари институти студенти.

Шукурова Шоҳиста Ҳайриддиновна — Ўзбекистон ССР ёшлар ташкилоти комитети раиси.

«ШАВҚАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Роберт Убайдуллаевич — Тошкент автомобиль йўллари институти комсомол комитети секретари.

Абдураҳмонов Маҳкам Акбарович — В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети студенти.

Асимов Хошим Маъсутович — А. Беруний номли Тошкент политехника институти декани.

Винокуров Александр Иванович — Тошкент электромеханика техникуми ўқувчиси.

Иброҳимов Анвар Убайдуллаевич — Ўзбекистон давлат физкультура институти студенти.

Илҳомов Алишер Аброрович — В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети студенти.

Ковалев Павел Николаевич — А. Беруний номли Тошкент политехника институти студенти.

Кудрявцев Игорь Владимирович — В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети студенти.

Марчук Андрей Иванович — Тошкент электромеханика техникуми студенти.

Маҳмуджонова Ҳолида Маннановна — Тошкент фармацевтика институти студенти.

Пўлатова Гулнора Эргашевна — В. И. Ленин номли Тошкент педагогика ўқув юрти студенти.

Ризаев Тоҳир Маҳкамович — Тошкент Давлат медицина институти студенти.

Оллоёрова Лола Нормуродовна — Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти студенти.

Балабеков Шомил — А. Беруний номли Тошкент политехника институти партия комитети секретари ўринбосари.

Мамедов Қаҳрамон Аҳмаджонович — Ўзбекистон республика студентлар отряди командири.

Норматов Тоҳир Ҳамидович — Тошкент алоқа политехникуми ўқувчиси.

Петров Валерий Васильевич — Тошкент электротехника алоқа институти студенти.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил, 12 июнь.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Қаршида янги автовокзал очилди. Шиша ва бетондан қурилган икки қаватли бу бино мармар билан безатилган. Пассажирлар учун барча қулайликлар яратилган: бир нечта билет кассаси, кенг кутиш зали, болали оналар хонаси, медпункт бор.

* * *

Жиззахдаги техника хизмати кўрсатиш станциясида барча турдаги автомашиналарнинг гарантияли ремонти жорий этилди. Бу ерда машиналарни ремонт қилиш асбоб-ускуналари қўйилган стендлар бор. Станция бир йилда 3 мингдан кўп енгил автомобилга хизмат қила олади.

* * *

Намангандаги пиво-алкаголсиз ичимликлар комбинати коллективи савдо тармоқларига планга қўшимча равишда бир миллион шиша минерал сув ва лимонад жўнатди. Иккига ўн миллионга ичимлик тайёрлаш қувватига эга бўлган яхна ичимликлар қуювчи иккинчи автомат линиясининг муддатидан илгари ишга туширилиши ҳисобига ана шундай муваффақиятга эришилди. Бу йил тайёрлана бошланган «Буратино» ва «Асаларича» ичимликлари кўп манзур бўлмоқда.

* * *

«Облколхозстрой»нинг Самарқанд трестидаги ёрдамчи хўжаликнинг янги инкубаторидан жўжалар чикди. Жўжалар бройлер фабрикасига боқув учун юборилди. Шу йилнинг ўзидаёқ колхоз қурувчилари сал кам минг центнер парҳез гўшт оладилар.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МАШИНА ЯРАТИЛДИ

СОФИЯ. Бу ердаги радио-электроника институтининг мутахассислари Москва ва Харьков қишлоқ хўжалик машинасозлиги институти билан биргаликда қанд лавлагини автомат усулда яганалайдиган сеанц-1 маркали оригинал машинани ишлаб чиқдилар. Бу машина 80 кишининг меҳнатини қилади. Машина синовлари Болгарияда ҳам, шунингдек Совет Иттифоқида хам ўтказилди. Бу йил БХР да 600 та сеанц-1 машинаси ишлаб чиқарилади. Келгусида ҳар йилги ишлаб чиқариш ҳажмини ўн мингта машинага етказиш планлаштирилмоқда.

ЮБИЛЕЙ СТАНОГИ

БУХАРЕСТ. Орадя шаҳридаги завод коллективи 100 мингинчи юбилей станогини ишлаб чиқарди. Ҳозирги вақтда бу корхона 34 типдан кўпроқ, шу жумладан рақамли программа билан бошқариладиган станокларни ишлаб чиқармоқда.

ШОЛИ ЎРИМ-ЙИҒИМИ

ХАНОЙ. Вьетнамнинг шимолий вилоятларида баҳорги шоли ўрим-йиғими ниҳоясига етмоқда. Шу озиқ-овқат маҳсулотини давлат йўли билан тайёрлаш ишлари қизғин бормоқда. ВСР озиқ-овқат министрлигининг хабар қилишича, Қизил дарё делтасидаги шоли етиштирувчи бешта асосий вилоятда 25 июнга қадар баҳорги нюли тайёрлаш плани 70 процент бажарилган.

Ёмғир мавсумига тайёргарлик

ВЬЕНТЬЯН. Бу ерда ёмғир арафасида тошқин вақтида Миконд дарёси қирғоқларидан тошиб кетиш эҳтимоли бўлган жойларда кўп километрли дамба ва тўғонлар барпо этиб бўлинди. Худди шу сабабдан Чампассак, Вьентьян вилоятларининг деҳқонлари экишдан бўш вақтларида шолипояларнинг ҳимоя қилиш юзасидан самарали чораларни кўрмоқдалар. Давлат деҳқонларга ёрдам тариқасида замонавий техника ва транспорт ажратиб берди.

МОҲИР УЧУВЧИЛАР

БЕРЛИН. Потсдам округидаги Бабельсберг деган жойнинг аҳолиси учувчилар жуда моҳирлик билан бажарган ишнинг гувоҳи бўлди. Бу ерда барпо этилаётган юқори вольтли линиянинг жуда катта пўлат устуни уйларнинг томи узра «учиб» ўтди. ГДР нинг «Интерфлюк» авиакомпаниясига қарашли вертолёт конструкцияли бетон пойдеворига жуда соз ўрнатиб қўйди. Бу эса биноқорларнинг аҳоли зич яшайдиган жой орқали махсус монтаж трассасини очмасдан ишни уддалашларига имкон берди. Қишлоқ хўжалик экинзорлари ва довдарахтлар ҳам шикастланмади.

Мана қарийб 20 йилдирки, вертолетлар республиканинг турли саноат объектларини қуришда фойдаланилмоқда. «Шварце пумпе» комбинатидаги айрим объектлар «учар кранлар» ёрдамида барпо этилди, одатдаги қурилиш техникаси сиғмаган қадимий шаҳарлардаги кўчалари, тор кварталларнинг уйжой бинолари реконструкция қилинди.

Ҳозир қувурларни, темир йўлларни ётқизишда, бошқа иншоотларни бунёд этишда ҳам вертолетлардан кенг қўлланилмоқда.

БАЛИҚЧИЛИК МЕТОДЛАРИ

БУДАПЕШТ. Венгрияда чучук сувда ўсадиган балиқларни интенсив етиштириш замонавий методлари тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Бу методлар бир кубметр сувда йилига салкам 500 килограмм форель балиғи етиштириш имконини беради. Чунончи, Веспрем давлат хўжалигининг балиқчилик хўжалигидаги умумий ҳажми 180 кубметрга борадиган 6 та пўлат резервуарларда бир йилда салкам юз минг килограмм форель етиштирилмоқда. Ҳар йили бир ярим миллионга увулдириқ сунъий равишда олинмоқда. Икладаги балиқчилик хўжалигида балиқни қайта ишловчи Европадаги энг катта завод ишга туширилди. Корхона лойиҳадаги қувватга эришганидан кейин йилига 7 минг тоннадан кўпроқ янги муҳлатилган ва тозаланган балиқ ишлаб чиқарадиган бўлади.

ОММАВИЙ ҒАЛАЁНЛАР

ЛОНДОН. Буюк Британия консерваторлари ҳукуматининг ёшлар оммавий ҳаракатлари давом этмоқда. Лондоннинг Форест-Гейт ва Фулем районлари ёшлари билан полиция ўртасида тўқнашувлар давом этди. Асосан Британиянинг собиқ мустамлакаларидан келиб ўрнашиб қолган кишилар яшовчи шу районларга полициянинг кучайтирилган нарядлари юборилди. Бир неча кищи қамоққа олинди.

Хабар қилишларича, Лондонда Англиянинг ёшлар оммавий ғалаёнлари бўлиб ўтган шаҳарларидан полициянинг олий амалдорлари келиб махсус кенгаш ўтказдилар. Матбуотда эълон қилинган маълумотларга кўра «ҳарбий кенгаш» тусини олган учрашувда полициянинг намойишчиларни тарқатиб юбориш учун пластик ўқлардан ва сув тўпларидан фойдаланиш имконияти, шунингдек бу ишга армия бўлинмаларини жалб қилиш масаласи муҳокама этилади.

Пресс Ассошиэйшн агентлигининг хабар қилишича, айни бир вақтда «Англия олий полиция мансабдорларидан олти киши Ольстерга жўнаб кетди». Улар Шимолий Ирландиядаги «репрессия мактабида таълим олиб келади. Ольстердаги қирол полициясининг қўшма қироллик шу қисмидаги жамоатчилик ғалаёнларини шафқатсизларча бостира бериб кўзи пишиб кетган «устозлари» ўзларининг инглиз ҳамкасбларига йўл-йўриқ берадилар. «Машгулот» давомида намойишларни тарқатиш тактикаси масалалари батафсил ўргатилади, деб хабар қилади агентлик.

Консерваторлар ёшларнинг ғалаёнларини бостириш давомида яна кескин ҳаракат қилишга бевосита чақираётганликлари Британия «тартиб посбонлари», «шижоатини янада ошириқда». Англия ички ишлар министри У. Айтлоу «полициянинг ҳужумкорлик тактикасига ўтишини қистамоқда, деб ёзади «Файнэншл таймс» газетаси. Бош министр М. Тэтчер ҳам Британия парламентининг жамоат палатасида шундай даъват қилди. Бош министр намойишчиларнинг ҳаракатларига «полиция янада агрессив жавоб қайтарсин», деб айтди.

Консерваторлар ҳукуматининг бошлиғи полициянинг пластик ўқлардан, «Си-эс» газидан, сув тўпларидан фойдаланишига ҳукумат ижозат беради, деган гапни айтди. Бош министр ҳукуматнинг адлия масалалари юзасидан маслаҳатчилари «ҳозирги вақтда тартибсизликларга қарши кураш тўғрисидаги қонунларни қайтадан кўриб чиқаётганликларини» ҳам тасдиқлади. М. Тэтчер бу қонунлардан янада қаттиққўллик билан фойдаланилади ва намойишчини ҳайдаб юборишда полицияга деярли чекланмаган ваколатлар берилади, деб равшан қилиб айтди. Жабрзулм аппаратини кучайтиришга ҳамон умид боғлаб келаётган ва ёшларнинг ўткир социал-иқтисодий муаммоларини назар-писанд қилмаётган Британия ҳукуматининг бундай позицияси мамлакатда кўпчиликнинг ғазабини кўзғади. Касаба союзларининг вакилларидан ҳамда майда миллатлар билан алоқа қилувчи ташкилотлар ва муассасаларнинг ходимларидан иборат группа Англия бош министрига хат юбориб. унда давом этаётган ғалаёнлар учун «ҳукуматнинг снёсати ва полициясининг шафқатсизлиги» айбдор эканлигини баён этди.

«Бизнинг фикримизча, деб таъкидланади хатда, — шаҳарларимиздаги ғалаёнлар ишсизлик кучайиб бораётганининг, уй-жой шароитлари аянчли эканининг, ҳукумат снёсати келтириб чиқараётган социал адолатсизликнинг бевосита оқибатидир».

«Британия жамиятининг иқчилик моҳияти ва структураси ҳозирги ғалаёнларнинг ҳақиқий сабабидир», — деб уқтирилади Ғарбий Ҳиндистондан келиб ўрнашиб қолганлар доимий комитетининг раиси баёнотида. Ҳужжатда консерваторлар кабинетининг ҳаракатлари қораланади, бу кабинетнинг аъзолари иқчиликка қарши курашаётган барча кишиларни «экстремистлар» деб бадном қилаётганликлари таъкидлаб ўтилади.

ФИРМАЛАР СИНМОҚДА

КОПЕНГАГЕН. Данияда иқтисодий тушкинлик ва рақобатнинг кескинлашуви натижасида шу йилнинг иккинчи кварталида 636 майда ва ўртача фирмалар синди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 65 процент кўп.

Хельсинкида Лотин Америкаси ва Сальвадор тинчлик тарафдорларини ҳимоя қилиш Финляндия комитетининг ташаббуси билан ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган ана шу мамлакат халқларини қўллаб-қувватловчи оммавий намойиш бўлиб ўтди.

СУРАТДА: намойиш қатнашчилари.

ТАСС фотохроникаси.

ХАТАРЛИ СИЁСАТ

ВАШИНГТОН. Америка маъмуриятининг қуролланиш пойгасини янада кучайтириш, НАТОнинг ҳарбий қудратини ошириш ва Ғарбий Европа территориясида Американинг ўртача олисликка учадиган янги ракеталарини жойлаштириш плани тинчликни саклаб колиш учун жиддий хавф туғдиради ва Европада, шу билан бирга бутун планетада кескинликни кучайтиради, холос. Европада ядро уруши хавфи олдини олиш учун Америка ва Ғарбий Европа жамоатчилигининг кураши билан боғлиқ проблемалар тадқиқотига бағишлаб бу ерда ўтаётган конференция қатнашчилари шундай якдил фикр биллиридилар.

Мўътабар жамоат ташкилотлари, шу жумладан, «Америка гражданлари тинчлик учун» ва «Американинг дўстлар жамияти хизматида» ташкилотларининг ташаббуслари билан ташкил этилган конференция ишида АҚШдаги кўплаб урушга қарши ёшлар, хотин-қизлар, касаба союз ва диний ташкилотларнинг делегатлари, шунингдек Голландия ва Англиядаги урушга қарши ҳаракат вакиллари иштирок этдилар.

ЧУҚУР МИННАТДОРЧИЛИК

ЛУСАКА. Замбия президенти К. Каунда бу ерга келган СССРнинг космонавт-учувчилари Л. И. Попов ва В. В. Рюминни қабул қилиб, жаҳонда биринчи социалистик давлат фан ва техникани ривожлантиришда катта муваффақиятлар эришди, деди. Совет Иттифоқи, деб давом этди у, эришган ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

СССРнинг космосни ўзлаштиришда эришган катта муваффақиятлари социализм афзалликларини исбот қилади, деб таъкидлади совет космонавтлари билан учрашувда бош министр Н. Мундиа.

Совет Иттифоқи, деди у, кўпгина мамлакатларга, жумладан Африкадаги мамлакатларга турли соҳаларда ёрдам бермоқда. Ҳозир қитъанинг 50 мамлакати озод бўлганлигида СССРнинг хизмати катта. Бош министр Намибия ва Жанубий Африка Республикасидаги миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётганликлари учун совет халқига чуқур миннатдорчилик билдирди. Совет космонавтларининг Замбияга килган визити икки мамлакат ўртасидаги дўстликни мустахкамлашга хизмат килади, деб таъкидлади Н. Мундиа. Биз бундай ҳамкорликни кенгайтириш керак деймиз.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

«ОҚ ТАНЛИЛАР»

Ҳар мавсумда болаларга мўлжалланган спектакль яратиш Иттифоқимиздаги барча театрларнинг доимий анъанасига айланиб қолди. Яқинда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида В. Чичков асари асосида саҳналаштирилган «Оқ танлилар» спектакли ҳам ана шу анъана самараси сифатида юзага келди. Асарни ўзбек тилига Қ. Мирмуҳамедов таржима қилган. Мақсадга эришиш учун фақат интилишнинг ўзи кифоя қилмаслиги, инсон ҳар қандай вазиятда курашчанлик руҳи билан яшаши лозимлиги, ҳалоллик ва фирибгарлик, ишонч ва макр, эрк ва тутқунлик, адолат ва адоват ўртасидаги зиддиятлар ҳақида ҳикоя қилувчи қизиқарли сюжет асарга асос қилиб олинган.

Қора танли мажусийлар қабиласи кўпдан бери давом этиб келаётган қурғоқчилик туфайли чексиз қулфат остида қолади ва ёмғир юборишни сўраб оқ танлилар худосига илтижо қилади. Қабила бошлиғи Олий қоҳин (Қ. Саъдуллаев) «қурғоқчиликнинг асосий сабаби қўпдан бери худога қурбонлик инъом этмаганимиздан», деган хулосага келади ва қабиланинг энг гўзал қизи Магейни (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Жамилова) офатнинг олдини олиш учун тангрига бахш этишга аҳд қилади. Магей билан Темок (Э. Носиров) бир-бирларини севардилар. Темок учун севгилиси Магейдан ажралиш қанчалар оғир бўлмасин, сувсизликдан қовжираган ерлар, силласи қуриган қабиладошлари қаётини сақлаб қолиш йўлидаги бу тадбирга рози бўлади. Бироқ кутилмаганда қабила яшаб турган жойда уч нафар испан истилочилари пайдо бўладилар. Олий қоҳин бу оқ танли кишиларни «худонинг фарзандлари» деб қабул қилади. Ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириш пайида бўлган истилочилар яримёввойи қабиладаги ночор вазиятдан руҳий танглиқдан фойдаланишга эришадилар. Улардан бири — Рамирес (Е. Саъднев) ўзини «худо» деб эълон қилади ва қабила аҳлига ёмғир юбориб: қулфатдан қутқаришга ваъда беради. Бунинг учун эса улар бутун бойликларини «худо»га, яъни Рамиресга топширишлари лозимлигини айтади.

Табиий офат қаршисида ночор бўлган қабиланинг омилиги истилочиларга ўз нафсу майлларини қондиришларида қўл келади. Ана шу воқеалар силсиласи замирида асар конфликти юзага келади ва конфликт ечимини таъминловчи кейинги кўринишлар кескин тус олишига туртки беради.

Асар қаҳрамонларининг аксарияти рамзий маънога эга. Чунончи, Куатли (А. Рафиқов) ҳалоскорлик руҳидаги қаҳрамон бўлса, Шомон (Ж. Зокиров) жоҳиллик, сотқинлик рамзи сифатида намоён бўлади, Магей вафо ва садоқат, Рамирес эса зулм ва зўравонлик, худбинлик ва таъмагирлик тимсоли сифатида кўзга ташланади.

Спектаклдаги барча ролларни театрнинг ёш актёрлари ижро этадилар. Ҳар бир образ ўзининг қизиқарлилиги, сермазмунлиги, болалар руҳига мослиги билан эътиборни жалб этади. Айниқса, актёр Ж. Зокиров билан Е. Саъднев ижросидаги Шомон ва Рамирес образлари мукаммаллиги, ишонарлилиги билан ажралиб туради. Ҳар икки актёр образ характерини белгиловчи энг муҳим хусусиятларни, руҳий оламига хос жиҳатларни кашф этишга ва ҳаётий деталлар ёрдамида талқин этишга эришганлар. Бу икки образ ижроси хусусида талай ижобий фикр ва мулоҳазалар билдириш мумкин. Зеро, Шомон ва Рамирес иштирок этувчи кўринишлар спектаклнинг қизиқарли, ёрқин эпизодларини ташкил этади.

Постановкачи режиссёр, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Фридман ва сценограф, РСФСРда хизмат кўрсатган рассом А. Тарасовлар спектаклнинг болалар психикаси ва дунёқарашига мос бўлиши, чуқур эмоционаллик касб этишини назарда тутиб, ўзига хос туҳфа костюмлар, маскалар, гримлар, саҳна безаклари, ашёвий жиҳозлар, музика, рақс (балетмейстер В. Никольский), нур воситалари каби компонентлардан кенг фойдаланганлар. Саҳна асарининг узвий қисмини ташкил этувчи бу компонентлар спектакль ўз ичига олган воқеалар мазмунини тўлдиришга, мантиқ изчиллигини таъминлашга бўйсундирилган.

Театр репертуаридан ўрин олган бу спектакль гоявий моҳияти, ажойиб сюжети, актёрларнинг эътиборли ижроси билан фақат болалар учун эмас, балки катталар учун ҳам бирдек аҳамият касб этади.

Г. УМАРОВА.



Жазирама ёз кунларида хушманзара тоғ ёнбағирларида, шарқираб оқаётган муздек сувли дарё қирғоғида дам олишнинг ўзгача гашти бор. Тоғдан эсаётган ёқимли шамол, тошдан-тошга урилиб шўх қўшиқ куйлаётган тоғ дарёси кишига олам-олам завқ бахш этади.

Р. Альбеков фотолари.

ҚУВНОҚ ШЕЪРЛАР

Педагогика фанлари кандидати Аҳад Пўлатов кўп йиллардан буён «Совет мактаби» журналида ишлаб келади. У педагогиканинг муҳим масалаларига оид илмий мақолалар билан бирга кичкинтойлар характерининг турли қирраларини акс эттирувчи, улардаги айрим нуқсонларни кулгу остига олувчи жажжи ва қувноқ шеърлар ҳам машқ қилади. Бундай шеърлари республика матбуотида ёритилиб туради.

Қуйида А. Пўлатовнинг кичкинтойларга бағишланган шеърлари билан танишасиз.

КИЧИК ЧЕВАР

Менинг кичик
синглим бор,
Номи унинг Санобар.
Уқишда у аълочи,
Ишда чаққон ва
чевар.
Меҳрин қўйиб
Санобар
Кўк матога тикди
гез.
Гўё денгизда сузиб,
Осмонда қилар
парвоз,
Кеча эса тикибди
Жуда чиройли
қалпоқ,
Кўрсанг агар тим
қора,
Барча гули сутдек
оқ.
— «Ким ўргатди
тикишни?» —
Десам, дейди шу
замон:
«Муаллима
опамиз —
Онамиздек
меҳрибон».

ОНАЖОНИМ

Онажоним —
ассалом,
Жонажоним —
ассалом!
Қанду асал
сўзингиз,
Ойдан гўзал
юзингиз,
Меҳр тўла
кўзингиз —
Онажоним —
ўзингиз,
Жонажоним —
ўзингиз.
Эл учун қилиб
хизмат,
Топиб бахту саодат,
Орттирган катта
шуҳрат —
Шараф-шоним —
ўзингиз,
Жонажоним —
ўзингиз.
Бағрингиз мисли
осмон,
Номингиз элда
достон,
Бўлингиз доим
омон —
Меҳрибоним —
ўзингиз,
Жонажоним —
ўзингиз.

ҚОРА МУШУК

Қора, мушук!
Қора, мушук!
Ғайрати зўр,
«Бало» мушук.
Тонгда турар,
Тинмай юрар,
Бет қўл ювиб,
Юнгин тарар.
Юнги юмшоқ,
Тумшуғи оқ.
Кўп озода,
Ўткир тирноқ.
Ҳеч бир сичқон
Қолмас омон,
Ғажиб ейди
Тутган замон.
Чопиб бир дам,
Сакраб ялдам,
Тутиб олар,
Ғар қочса ҳам!
Келса бирон
Дея: «Мнёв»,
Ёнимга у
Келар дарров.
Кўп меҳрибон,
Бу мушукжон.
Менинг билан
Уйнар ҳар он.

ОДОБСИЗ ҚИЗ

Югуриб чиқди
Кўчага бир қиз.
Ёнида итча
Юрар изма-из.
Қўлида нони
Итча емаса,
Ура бошлайди.
Қулоғин тутиб,
Қаттиқ бурайди.
Думин қайриб,
Индай ўрайди.
Оғзини очиб,
Тиқди бурда нон.
Жаҳли чиққан ит,
Ташлади шу он.
Одобсиз қиз-да
Кўтарди фарёд.
Катталар сўзин
Этмади у ёд.

Аҳад ПЎЛАТОВ.

Бўстон

Бу бўстон саҳнида
Гул кўп, галмак кўп...
Алишер Навоий

Абдураҳмон: Э-э-э Ҳасанжон дўстим, бормисиз? Бундай кўринмайсиз ҳам? Отпускага чиқдингизми?

Ҳасан: (хомуш) Ҳа, дўстим, юрибмиз. Мана бугун отпусканинг биринчи кунини ўтказдик.

Абдураҳмон: Э, табриклайман. отпуска зўр ўтяптими? Бундоқ гапиринг. Нега хомуш кўринасиз?

Ҳасан: Ҳа, биринчи куни шундай ўтди. Билмадим охири нима бўлади?

Абдураҳмон: Нима гап ўзи, тинчликми?

Ҳасан: Сизга бошидан гапирмасам, барибир тушунмайсиз.

Абдураҳмон: Ҳа, ҳўп гапиринг, ёрдам керак бўлса, мана тайёрмиз.

Ҳасан: Бутун эрта билан барвақт турсам, хоним:

— Дадаси мен ишдан кеч келаман, сиз янглишманг деб қиладиган ишларингиз рўйхатини ёзиб қўйдим, — деб бир варақ қоғозни олдимга қўйиб кетди. Бундай қўйиб қарасам, бутун кун бўйи уй ичида қилинадиган майда-чуйда ишлар... Бир чеккадан ўқиб чиқдим:

1). Ҳовлига сув сепиб, супуриш;

2). Ботиржон (ўғлчамиз)ни уйготиш. Товуқхонадан 2 та тухум олиб, Ботиржонга қуймоқ қилиб едириш, боғчага олиб бориш;

3). Боғчадан келишда уйга нон, қанд ва ҳоказо майда-чуйдаларни олиб келиш;

4). Айвонда ошиб турган хамирдан нон ясаб, ёпиш;

5). Пилесос билан уйдаги гиламларнинг чангини тортиб, уйларнинг полини артиш;

6). Тушликка мастава тайёрлаш;

7). Кечки овқатни, яъни паловхон тўранинг масаллиқларини тайёрлаш. (Гуручни ўлчаб, водопровод олдига қўйиб кетдим, деб ёзиб қўйибдилар);

8). Ботиржонни боғчадан олиб келиш;

9). Паловхонни дамлаш;

10). Кечки салқин билан ҳовлига сув сепиб, супуриб, хонимни кутиб олиш.

Тагин тагига «Қолган майда-чуйдаларни ўзингиз билиб-билиб қилинг», — деб ёзиб кетишгилар.

Абдураҳмон: Шуми ҳаммаси? Булар жуда оддий-ку?

Ҳасан: Ҳа, мен ҳам оддий деб ўйлаган эдим, аммо қилиб кўриб билдим. Вой-вой-ёй (**белини ушлайди**). Секин ўриндан туриб, нариданбери нонушта қилиб ишга киришиб кетдим. Челакни олиб ҳовлига сув сепдим, сепиб бўлиб, энди супуришга киришай десам,— бояги челакнинг мабмаи. Боғчага борсам тарбиячи қизлар ҳиринг-ҳиринг қилади. Охири бири гап отиб қолди:

— Амаки, модалар муборак!

Бундай ўзимга қарасам, белимда фартук, қидириб юрмай юрт-ишга шайланмас экан. Юракдаги исёнли ўтинг, Алангага айланмас экан. Кани айт-чи, бирор кимсанинг, Оғирини этдингми енгил? Шафқатингдан айтгин ё сенинг, Ёриқдими бир ғариб кўнгил? Айт-чи, нафинг тегдими элга, Чўл қувдингми, очдингми қўрқ? Бир кафт шағал тўкдингми йўлга, Утқаздингми ё бир тўп ўрик? Юрагимдан чиқар шу нидо, Бурч-бу поклик, ҳалоллик демак.

Юрт, деб жонинг этолсанг фидо Бера олсанг элнинг кўмак — Уша сенинг бурчингдир ўғлон, Уша сенинг қутлуғ қадаминг. Ҳимматингдан севинса бир жон, Олқишидир ҳар бир одамнинг.

Мели БОБОҚУЛОВ.

Отпускамнинг биринчи куни

(ИНТЕРМЕДИЯ)

БУРЧ

Қолганимда хонамда танҳо,
Ҳаёл олар мени оғушга.
Бурч ҳақида ўйлайман гоҳо,
Ғаёбатни йўқ мақтов-олқишга.
Бурч-қалб амри, — дейди
юрагим,
Дадилроқ кир ҳаёт ичига.
Дилларга ёқ умид чироғин,
Суяниб сен ақл кучига.
Шунда шахсиз топарсан
қадринг,
Манзур бўлса элга хизматинг.
Бурчга содиқ қолмасанг,
билгин,
Тамғаланар ачиқ қисматинг.
Бурч деганн нимадир ўзи,
Юрт олдида ичган қасамми?
Балки оқлаш эл берган тузни,
Аммо бунн оқлаш осонми?!
Йўқ, осонмас, қайноқ
вужудинг

Литва ССРнинг бир неча шаҳарларида ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ XVI Спартакиадасининг финал мусобақалари давом этмоқда. Маълумки, аввалги Спартакиада баҳсларида республикамиз вакиллари яхши натижалар қайд қилишганди. Бу сафар улар ўз мавқеларини сақлаб қоладиларми ёки йўқми? Бу саволларга ёш спортчиларимиз мусобақаларда иштирок этиш билан жавоб бера бошладилар.

ҚИЗЛАР ИБРАТИ

Сузиш бўйича ўтказилган мусобақаларда тошкентлик қизлар ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди. Жумладан, 200 метр масофага брасс усулида сузиш бўйича ўтказилган финал беллашувларида бир йўла уч спортчимиз қатнашишди. Улар Тошкентдаги 171- мактабнинг ўқувчилари — Лариса Балаконь, Зулфия Саҳобутдинова, Наталья Комаровалар эди. Дастлабки даҳиқаларда вакилларимиз шиддат кўрсата олмадилар. Аммо секундлар ўтган сайин тезликни ошириб боришди. Лариса маррага етиб келиш учун 2.37,76 вақт сарф қилди. Бу иккинчи натижа эди. Шундай қилиб, Лариса халқаро классли спорт мастери нормативини бажаришга муваффақ бўлди. Умумий якунда Н. Комарова олтинчи, З. Саҳобутдинова еттинчи ўринни эгаллади.

200 метр масофага комплекс усулда сузиш бўйича ўтказилган беллашувда яна Лариса ўзини кўрсатди. У бу сафар маррага биринчи бўлиб етиб келди ва олтин медаль билан тақдирланди.

200 метр масофага брасс усулида сузиш бўйича ўтказилган баҳсларда ҳамшаҳарларимиз Андрей Румянцев олтинчи, Владимир Хонякин еттинчи ўринни эгаллади.

ГИМНАСТИКАЧИЛАР ЮТУҒИ

Маълумки, аввалги Спартакиада баҳсларида республикамиз гимнастикачилари фахрли тўртинчи ўринни эгаллашган эди. Шу боисдан ҳам бу сафар маррага биринчи бўлиб етиб келди ва олтин медаль билан тақдирланди.

Таяниб сакраш, брусда машқ бажаришда гимнастикачиларимиз яхши натижа кўрсата олмадилар. Тўсинда машқ бажаришда улар бор маҳоратларини ишга солиб бой берилган имкониятларининг ўрнини тўлдиришга ҳаракат қилдилар. Натижада улар уч машқ бажарилганидан кейин команда ҳисобида пешқадамликни қўлга олишди.

Бироқ, кейинги машқларни бажариш пайтида улар қўпол хатоларга йўл қўя бошладилар. Шунинг учун ҳам умумий якунда республикамиз гимнастикачилари бешинчи ўрин билан кифоланишга мажбур бўлишди.

Шахсий ҳисобда тошкентлик спорт мастерлигига номзод С. Катков энг кўп очко тўплаб, Спартакиада чемпиони бўлди.

КУЧЛИЛАР САФИДА

Сув полоси бўйича ўтказилган баҳслар республикамиз энг серқуёш ўлка бўлишига қарамасдан, бу ерда спортнинг ана шу турини ривожлантиришга катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатди. Ўқувчи-спортчиларимиз биринчи учрашувни Москва терма командаси билан ўтказдилар. Москвада мамлакат терма командасига маҳоратли спортчилар етказиб берадиган базалар жуда кўп. Шунга қарамасдан вакилларимиз бўш келишмади. Улар кучли команда билан бўлган учрашувни дуранг натижа билан (7:7) ҳисобида якунлашди. Иккинчи учрашувни ўзбекистонлик ватерполчилар озарбайжонлик тенгдошлари билан ўтказишди. Улар бу сафар 8:4 ҳисобида ғалабага эришиб, ўз активларига муҳим иккита очкони ёзишга муваффақ бўлдилар. Усмирларимиз Спартакиада медаллари учун кураш олиб борадиган командалар сафидан жой олишди.

Мен сизни севаман

Мен сизни севаман, сизни сарвиноз!
Тун каби тим қора кўзларингизни,
Қирмизи олмадек юзларингизни,
Тонгги сабо янглиг сўзларингизни,
Йўлига жон тиксам бўлур балки оз.
Мен сизни севаман, сизни сарвиноз!

Ўзингиз кулмайсиз, кулдирмайсиз ҳам,
Гулдек яшнатмайсиз, сўлдирмайсиз ҳам,
Дилни умидларга тўлдирмайсиз ҳам,
Ўлдириб бир йўла ўлдирмайсиз ҳам,
Билмайсиз, қалбимда ҳамон ўша соз,
Мен сизни севаман, сизни сарвиноз!

Қайғулар тинимсиз ҳамла қилган дам,
Кўринмас наштар-ла қалбим тилган дам,
Ҳажрингизда қаддим дол букилган дам,
Гоҳида йиғлаган, гоҳи кулган дам,
Қалбимдан отилиб чиқар бир овоз:
Мен сизни севаман, сизни сарвиноз!

Бебаҳо ёшлигим баҳори ҳаққи,
Қалбимнинг жарангдор дутори ҳаққи,
Муҳаббат ҳаёси ва ори ҳаққи,
Вафою садоқат шнори ҳаққи,
Такрорлаб юраман куз, қиш, баҳор, ёз:
Мен сизни севаман, сизни сарвиноз!

Йўлдош ПАРДАЕВ.

Тилаклар

Олисларга боқарднгнги сиз ҳорғин,
Бағрингизни тилса сукут, ўй-ғамлар.
Чўғур-чўғур бизга болалар олмай тин,
Сўрар эдик: «Қачон келар дадамлар?».

Байрам кунлар тўда-тўда шод-хуррам,
Уйга қайтса тўлиб-тошиб одамлар,
Тушунмасдан тақдир ҳукмин биз бегам,
Сўрар эдик: «Қачон келар дадамлар?».

Узун тунлар чиқардингиз тўлғониб,
Аллаҳнгиздан ёғиларди аламлар,
Қўйш билан эрта саҳар уйғониб,
Сўрар эдик: «Қачон келар дадамлар?».

Оҳ, онажон, дилда армон бир талай,
Ёддан чиқмас асло энди у дамлар.
Келмаслигин билсак ҳамки, ҳар қалай,
Биз дегаймиз: «Келиб қолар дадамлар».

Гоҳо дейсиз бошин силаб ўғлимни:
— Тинчлик учун бор бисотни атанглар.
Отасизлик қийнамасин ҳеч кимни,
Доим сиз-ла бирга бўлсин даданглар.

Исмоил ТУХТАМИШЕВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Т. АЛИЕВ, С. ЙЎЛДОШЕВ: Қандай ҳолларда қўшимча иш бажарилади, ким ва қандай ҳолларда қўшимча ишлашга рухсат бериш ҳуқуқига эга?

Жавоб: Қўшимча иш бажаришга энг зарур бўлган ҳолдагина йўл қўйилади. Корхона ёки муассаса бу ҳақда бўйруқ чиқаради. Корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари зарур бўлган ҳолларгагина ишчи ва хизматчиларни ишдан кейин қолиб қўшимча иш бажаришга жалб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Жумладан, улар авария ва табиий офат оқибатларини бартараф қилиш, сув, электр таъминоти, канализация, транспорт, почта-телеграф ва телефон алоқаси билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун ишдан қолиб ишлашга рухсат беришлари мумкин. Чунки, бундай камчиликлар аҳоли ва корхоналарга хизмат кўрсатишга катта тўсқинлик беради. Шунингдек, ишнинг тўхатилиши машиналар ёки маҳсулотларнинг бузилишига олиб келадиган ҳолларда ҳам қўшимча ишлашга йўл қўйилади.

* * *

Г. ҲАМИДОВА, Н. БАҲРОМОВА: Парҳез таомлари тайёрлайдиган ошхоналардаги ҳамширалар бажарадиган вазифалар қаторига нималар киради?

Жавоб: Парҳез таомлари тайёрлайдиган ошхоналардаги ҳамширалар беморларга берилаётган таомларнинг сифатини назорат қилишади, ошхонада таомлар тайёрлашни тўғри йўлга қўйилишини, ошхона ходимлари санитария қоидаларига қандай амал қилишаётганини кузатиб боришади. Ишлаб чиқариш мудири билан меню тузиб, уни тасдиқ учун ошхона директорига топширишади. Шунингдек, парҳез таомлар тайёрлашда технологияга қандай амал қилинаётганлигини назорат қилиб боришади, зарур бўлган тақдирда таомларни текшириш учун лабораториядга юборишади. Ўз мансаби доирасида беморларга парҳез таомлар ҳақида консультациялар бериб борадилар. Беморлар ва ошхона ходимлари ўртасида санитария-окартув ишларини ташкил қилишади. Бунда улар оммабоп материаллар: брошюра, плакат, кўргазма ва бошқалардан фойдаланишади.

* * *

Т. АШУРОВ: Соғлиғи бўлиб ишлаб, 70 сўм маош оламан. Ишхонамдаги бухгалтерлар мендан бўйдоқлик солиғи ушлаб қолишяпти. Шу тўғрими?

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра 70 сўм маош олаётган ишчи ва хизматчи, шунингдек ходимлардан ҳеч қандай солиқ олинмаслиги лозим. Агар ойлик маошингиз 71 сўм бўлгандагина Сиздан бўйдоқлик солиғи ушлаб қолишлари мумкин эди. Демак, ишхонангиздаги бухгалтерлар нотўғри иш тутишмоқда экан. Бу ҳақда юқори ташкилотларга шикоят қилишга ҳақлисиз.

* * *

Ҳ. ОТАЕВ: Улуғ Ватан урушининг иккинчи группа инвалидлари кечаси ишлашга ҳақлимилар? Агар ҳақли бўлсалар, қандай ишларни бажаришларига рухсат этилади?

Жавоб: Одатда врачлик-меҳнат экспертиза комиссиясининг инвалидлик группасини белгилаш ҳақида чиқарган хулосасига шу инвалиднинг қандай ишларни бажаришга қодир эканлиги ёзиб қўйилади. Бинобарин, ана шу тавсияномада кечаси бажариладиган лавозимда ишлашга рухсат берилган бўлса Сиз кечаси ишлашга ҳақлисиз. Агар бу нарса тавсияномада кўрсатилмаган бўлса ишлашга ҳақли эмассиз.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

• *Маданият ҳабарлари*

ҚЎШИҚ ВА РАҚС БАЙРАМИ

Бухоро области бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кўригида саккиз юзга яқин ҳаваскор ҳонанда, музикачи ва раққослар қатнашди. Киров номли маданият ва истироҳат боғининг ёзги саҳнасида классик ва фольклор оҳанглари, Ўзбекистон ва қардош республикалар композиторларининг асарлари икки ҳафта мобайнида янграб турди. Олот районидан «Нурафшон» ансамбли, Когон районидан «Қўшиғимиз сенга, Ватан сенга, жонажон партия! Адабий-бадиий композициясини кўрсатган «Гўзал» коллективи, Қизилтепа районидаги Жданов номли колхоздан «Бўстон гуллари» хор капелласи зўр муваффақият қозонишди. Бу коллективлар ҳаваскорлик ижодиёти байрами лауреатлари қаторидан жой олишган.

Ҳозир Ўзбекистоннинг кўпгина областларида шундай кўриклар бўлиб ўтмоқда. Бу кўрикларнинг голиблари республика конкурсининг қатнашчилари бўладилар.

БИРИНЧИ КОНЦЕРТ

Бердах номидаги давлат филармонияси қошида ташкил этилган қорақалпоқ симфоник оркестри Татаристон АССРдаги биринчи гастролидан қайтиб келди. Оркестр биринчи концертини Қозон шаҳрида берди. Бу ерда коллектив ижросида Верди, Астафьев, Ярулин ва бошқа композиторларнинг асарлари янгради.

Оркестр асосан М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг ҳамда Нукус санъат билим юртининг битирувчиларидан тузилган. Ҳозир оркестр автоном республика меҳнаткашлари учун биринчи концертга тайёргарлик кўрмоқда, янги программа устида ишламоқда.

(ЎзТАГ).

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

Шаҳримиздаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида наминул кунларида секциялар мунтазам ишлаб турибди. Бу ердаги шахмат-шашка секцияси ҳамиша гавжум бўлади, бошқа мактаблардан келган ўқувчилар ҳам беллашиш сирларини ўрганишади. Чапдаги суратда секция қатнашчилари бўлган 186-мактабнинг ўқувчилари навбатдаги машғулот пайтида. Ўнгдаги суратда эса 144-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчилари тасвирланган. Улар баскетбол бўйича терма команданинг аъзолари ҳисобланишади. Қизлар спорт маҳоратларини ошириш ниятида тинмай машқ қилишмоқда.

ВАКИЛЛАРИМИЗ СПАРТАКИАДА БАҲСЛАРИДА

ТОШКЕНТ ШОҲОМИ

20 ИЮЛЬ, 1981 й.

КИНО

20 ИЮЛДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» — **Қозоғистон.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«РИСОЛАДАГИ ЭР» — **К. Ермато в номли** (17, 18, 20.00 да, телефон 24-22-66). **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75). **Искра** (16, 18, 20.00 да, жавоб берувчи автомат телефон 39-19-59).

«ТУМАНДА ЭШИТИЛГАН ИККИ ГУДОК» — **К. Ермато в номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ХОНИМЛАР ИИГИТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИЛАР» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«СЕВГИ ФАНТАЗИЯСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«МАРИЯ МЕДИЧИ ҚУТИСИ» — **Янгиобод** (17, 19, 20.00 да, телефон 96-36-21).

21 ИЮЛДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» — **Қозоғистон.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«РИСОЛАДАГИ ЭР» — **К. Ермато в номли** (12, 17, 18, 20.00 да, телефон 24-22-66). **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Искра** (16, 18, 20.00 да, жавоб берувчи автомат телефон 39-19-59).

«ТУМАНДА ЭШИТИЛГАН ИККИ ГУДОК» — **К. Ермато в номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ХОНИМЛАР ИИГИТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИЛАР» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«СЕВГИ ФАНТАЗИЯСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«МАРИЯ МЕДИЧИ ҚУТИСИ» — **Янгиобод** (17, 19, 20.00 да, телефон 96-36-21).

Андижон қурилиш техникуми томонидан **Қўлдошев Турсунбой Ташланович** номига берилган 931810 номерли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент область, Янгиюл районидаги 17-ўрта мактаб томонидан **Раҳимбердиев Зокир** номига берилган 212355 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент область, Бўстонлиқ районидаги 28-ўрта мактаб томонидан **Танатаров Ерген Рисбенович** номига берилган 684793 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

31 ИЮЛЬ — 9 АВГУСТ КУНЛАРИ

«МОСКВА МУЗ УСТИДА БАЛЕТИ» ГАСТРОЛЛАРИ

ЯНГИ ПРОГРАММА

«МУЗ ВА ФАНТАЗИЯ»

Эркин учиш бўйича жаҳон чемпиони, олимпиада ўйинлари ва жаҳон, Европа биринчиликларининг кўпкарра кумуш медаль совриндори, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери СЕРГЕЙ ЧЕТВЕРУХИН

СССРнинг беш карра чемпиони, СССР кубогининг кўпкарра совриндори ВАЛЕРИЙ МЕШКОВ

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар: Валерий БАБИДСКИЙ, Татьяна КАТОВСКАЯ, Владимир ЛУЗИН, Зафар ШОКИРОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Спектакллар ҳар кунн соат 19.30 да, якшанба кунлари соат 15.00 ва 19.30 да бошланади.

Билетлар марказий «Юбилей» спорт зали ва Свердлов номли концерт зали кассасида соат 10.00 дан 20.00 гача сотилади.

Коллектив заявкалар қабул қилинмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-07-53.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

20 ИЮЛДА

«КЕЧКИ ВАРИАНТ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ

ЧИҚАРДИ

Постановкачи режиссёр — Дзидра РИТТЕНБЕРГ.

РОЛЛАРНИ ИЖРО ЭТАДИЛАР: Анна Меднс — АСТРИДА КАЙРИША, Виктор — РОМАН ГРОМАДСКИЙ ва бошқалар.

Мазкур фильм қаҳрамони 36 ёшли Анна Мендедир. У университетни тамомлагач, ишлаш учун чеккадаги шаҳарчалардан биридаги кечки мактабга адабиёт ўқитувчиси бўлиб келади.

Анна шаҳарга биринчи келган куниёқ меҳмонхонада қурилиш инженери Виктор билан танишиб қолади. Дастлабки кунларда бу учрашув гўё оддий учрашувлардан бирига ўхшасада, кейинчалик иккаласи ҳам бир-бирига ёқиб қолганлигини ҳис қилишади. Лекин Викторнинг хотини ҳамда бир ўғли борлигини ҳам Анна билар эди. Анна фарзанд кўришни табиатнинг аёлларга берадиган оналик ҳуқуқидан баҳраманд бўлишни хоҳлар эди.

У Викторнинг оиласини бузишни хоҳламас, фақатгина ундан бола туғилса бас эди. Аммо узоқ мулоҳазалардан сўнг бошқа оиланинг бузилиб кетишига сабабчи бўлиб қолишини сезгач, Виктор билан алоқани узади.

Анна ўзгалар бахтига, зомин бўлибгина бахтга эришажаклигини сезгач, шундай қарорга келган эди.

РИГА КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ТАШПРОМСТРОЙ» ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТРЕСТИГА

ТРЕСТ АППАРАТИ ВА БЎЛИНМАЛАРДА ИШЛАШ УЧУН — план бўлими бошлиғи, иқтисодчи-молиячи, бошлиқ, бошлиқ ўринбосари, лойиҳа-смета группаси катта инженери, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, меҳнат ва иш ҳақи бўлими катта инженери, секретарь-машинистка, машинистка; ғишт терувчилар, бетончилар, монтажчилар, дурадгорлар, бўёқчилар, суворқчилар. Тошкент шаҳридаги саноат объектларида ишлаш учун пайвандловчи-арматурачилар

КЕРАК

Қурилиш касбига эга бўлмаган ишчилар ишлаб чиқаришнинг ўзида якка ҳолда ва бригада ҳолида (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда) **касб эгаллашлари мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда Тошкент ўқув комбинатида ҳар ойда 76 сўмдан стипендия олиб ҳунар ўрганишлари мумкин.**

ЁЛГИЗ КИШИЛАРГА СПУТНИК ШАҲАРЧАСИДА ВА ЮНУСОБОД МАССИВИДА ЕТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Оилалиларга наббати билан квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 5-хона.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ БИТИРИБ ЧИҚҚАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

СИЗЛАРНИ 1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ

ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲОЗИР СИЗЛАРНИНГ ОЛДИНГИЗДА ҚАТЪИЙ БИР МАСАЛА ҚУНДАЛАНГ ТУРИБДИ: «КЕЛАЖАКДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҚАЕРГА ЎҚИШГА БОРИШ КЕРАК?», «ҚАНДАЙ КАСБ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҲАЁТДАГИ ЎЗ ЎРНИНГНИ ҚАНДАЙ ТОПИШ КЕРАК?». БУ САВОЛЛАРГА СИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРГАЧ ЖАВОБЛАР ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мамлакатга ишчи қўллари зарур! Завод ва фабрикалар, қурилишлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари турли хил касбларга юқори малакали мутахассисларга муҳтож.

ШАҲРИМИЗДА 51 ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАРДА 125 ХИЛ КАСБ БЎЙИЧА 35 000 КИШИ ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА.

ҚУНГЛИНГИЗГА ЁҚҚАН КАСБНИ ТАНЛАНГ!

МИРЗААХМЕДОВ НОМИДАГИ 4- АЛОҚА ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: **кабель алоқа монтажчиси, қишлоқ телефон алоқаси ва радио эшиттириш монтёри, станцион асбоб-ускуналар** (автомат телефон станцияси) **монтёри, шаҳарлараро телефон станцияси станцион асбоб-ускуналари монтёри, телеграф алоқаси станцион асбоб-ускуналари монтёри, гидрометеорология хизмати радио операторн, шаҳар телефон тармоқлари монтёри.**

Билим юртини тугатгач, ўқувчилар ўрта маълумот ва ихтисос бўйича диплом оладилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 15— 15,5 ЕШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганлар (ўсмирлар) **ётоқхона билан таъминланади, ўқувчилар давлат таъминотида бўладилар.**

Телефонистка, телеграфисткаликка ўқиётган 10 синф маълумотидагиларга ўқиш муддати—1 йил. Ўқувчилар билим юртини тугаллагач, ихтисоси бўйича аттестат оладилар.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ҳар ой 30 сўмдан стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар— 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 33-07-77, 33-07-65, 33-07-44, 33-43-08.

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Секретарь-машинистка, секретарь-стенографистка, иш юритувчи, чизмакаш-конструктор, ЭВМ программисти, ЭВМ операторн.

Ҳамма мутахассисликлар бўйича ўқиш муддати— 1 йил.

ЕТОҚХОНА МАВЖУД ЭМАС.

Билим юртига 10 синфни тамомлаган йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар. Ўқишни тамомлагач улар иш билан таъминланадилар.

Адрес: 700084, Тошкент шаҳри, Киров район, Ҳурриқ кўчаси, 45-уй (39, 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко» номли институт» бекати).

64-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Темир йўл транспорти ва Тошкент метрополитенида автоматика ва телемеханика қурилмалари электромонтажчиси ихтисоси бўйича ўқитиш учун ҚЎШИМЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Совет Армияси сафидан хизмат қилиб қайтган шахслар таклиф этилади. Улар учун 6 ой муддатлик таълим группалари комплектланади. Ўқиш даврида ўқувчилар ойига 90 сўм стипендия, бепул овқат билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида стипендияга қўшимча равишда иш ҳақининг 50 процента тўланади. Иш ҳақи — ишбай-мукофотли. Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Битирувчилар Бутунитифоқ «Транссигналстрой» трестининг ихтисослашган қурилиш-монтаж ташкилотларига ишга юборилади.

Қуйидаги имтиёзлар яратиб берилади: ўқишни давом эттиришни хоҳловчилар олий ўқув юртларига конкурсдан ташқари юборилади. Отпуска вақтида ўзи ва оила аъзоларидан бирон кишининг темир йўлда бепул юриши имкони яратилади. Доимий иш жойида квартира билан таъминланади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 ИЮЛДАН БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700074, Тошкент шаҳар, Слоним кўчаси, 84-уй (8, 15, 23, 26, 61-автобусларнинг «Иззат» бекати).

226-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

Самолётга хизмат кўрсатувчи электромонтёр, сонли бошқариш программасида ишловчи станоклар токари, электр-газ пайвандчи, универсаль фрезерчи, моделчи дурадгор, сонли бошқариш программасида ишловчи станокларни созлаш бўйича электрончи, йиғувчи слесарь, слесарь-сантехник-газпайвандчи, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар кабул килинади.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Группалар спортга мойиллик нуқтаи назаридан комплектланиб, ўқишга кириш вақтида разрядчи-спортчилар алоҳида имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат, спорт формаси ва иш кийимлари билан таъминланадилар.

Билим юртида ўқиш муддати — 10 синф маълумотидагилар учун 1 йил, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 3 йил.

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақидан 33 процент, 10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчиларга эса ойига қўшимча 35 сўм стипендия тўланади.

Билим юртида тайёрлов курслари ишлаб турибди. Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар (битирувчиларнинг 10 процента) келгусида политехника институти, физкультура институти, авиация техникуми, индустриал техникуми, шунингдек ўқувчилар билим юрти, граждан авиацияси институтида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Қолган барча ўқувчилар ишлаш учун В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилади.

Автомобиль ҳаваскорлари учун автомобилни ўрганиш бўйича техника группаси ташкил этилади. Билим юртида автокабинет мавжуд бўлиб, у энг замонавий техника асбоблари билан жиҳозланган. Чунончи, картингистлар группаси мавжуд.

Тикиш-бичишни ўрганишни хоҳловчилар учун тикиш ва бичиш синфи ташкил этилган. Музика ва қўшиқни севувчилар учун болиий ҳаваскорлик тўгаракларида ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган.

Билим юртида катта спорт комплекси мавжуд: стадион, спорт зали, курашнинг ҳамма турлари бўйича (жумладан каратэ) спорт секциялари ишлаб турибди. Ўқувчилар спортнинг ўйин турлари: баскетбол, волейбол, футбол, отиш секцияларида қатнашишлари мумкин.

Авиация ишини севувчилар учун авиамодель тўгараги, фото кино ҳаваскорлар тўгараги, радио ва телевизор тузатиш ишлари бўйича тўгараклар мавжуд.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Лисунов кўчаси, 1-квартал, 82«а»-уй (8, 48, 80-автобусларнинг «Поликлиника» бекати).

9-ШАҲАР ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти корректорлар, полиграфия асбоб-ускуналарини созловчилар, автоматларда тикувчилар, саралаш-тикиш машиналарининг машинистлари, ҳарф терувчилар, линотипистлар, печатниклар, ўрта маълумотли муқовасозларни тайёрлаб чиқаради.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15—18 ЕШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй (7, 9, 13, 16-троллейбуслар, 2, 3, 33, 34, 50, 54, 84, 131-автобусларнинг «Волгоград» кўчаси бекати, «СССР 50 йиллиги» метро станцияси). Телефонлар 77-10-56, 77-10-33, 77-13-79.

171-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қурилиш бўёқчиси, альфрейчи-бўёқчи, паркетчи, дурадгор, суворқчи, қурилиш дурадгори, электр-газ пайвандчи, ёритгичлар бўйича электр монтажчи, кучланиш, электр асбоб-ускуналари бўйича электр монтажчи, монтажчи-ғишт терувчи, плиткачи-облицовкачи. Ўқиш муддати— 1 йил ва 3 йил.

15— 17 ёшдаги 8— 10 синф маълумотидаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртини 3 йил ўқиб битирганлар ўрта маълумот ҳақида аттестат оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, ишчи кийимлари билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар. 1 йиллик таълим ўқувчиларига 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Билим юртини битирганлар олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар— 81, Доморобод кўчаси, 74-уй (50, 54, 34, 70, 79, 80, 103, 123-автобусларнинг «16-поликлиника» бекати). Телефон 77-49-53.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 200-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8— 10 синф маълумотидаги 14— 15 ва ундан катта ёшдаги қизларни ўқишга қабул қилади.

Билим юрти «МИКОНД» заводида ишлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: универсаль токарь, фрезерчи, асбобсоз, шиша буюмлари ва оиналурларни силиқловчи (йигит ва қизлар), асбобсоз слесарь, электромеханика ва радиотехника асбоблари ва системаларининг монтажчиси (ўсмирлар;) **радио аппаратуралари ва асбоблари монтажчиси, радио деталларини йиғувчи, радио деталлари контролери** (қизлар).

Ўқиш муддати: 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 3 йил. Ўқувчилар касб ўрганиш билан бир вақтда тугалланган ўрта маълумот олади. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар касб-корига лойиқ олий ўқув юртларига имтиҳонларсиз қабул қилинадилар. Ҳамма ўқувчилар озиқ-овқат ва иш кийимлари билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун —1 йил. Ўқувчиларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади, Совет Армияси сафларидан қайтганларга қўшимча равишда база корхоналари томонидан яна 40 сўм ҳақ тўланади.

«Миконд» заводида ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 33 проценти тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 106-уй (2, 7-троллейбусларнинг «Кооператорлар уйи», 69-автобуснинг «Олмазор» кўчаси бекатлари, «Халқлар дўстлиги» метро станцияси).

227-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти тўқувчилар ва йигирувчиларни тайёрлайди.

8— 10 синф маълумотидаги 15— 18 ёшли йигит-қизлар қабул қилинади.

8 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати—3 йил, Ўқувчилар ўрта маълумот ҳақида диплом ва касб оладилар. Улар уч маҳал бепул овқат ва кийим бош билан таъминланадилар.

10-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати бир йил. Уларга ойига 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ва халқ хўжалиги институтига ўқишга юборилади.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Машғулотлар— 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Бешоғоч, Олмазор кўчаси, 85-уй (Комсомол кўли).

85-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8— 10 синфларни битирганларни тўқувчилар, йигирувчилар, ремонтчи-слесарлар, мастер ёрдамчилари, раклист (газмолга гул босувчи мутахассислар)**ларни тайёрлайдиган группаларига қабул қилади.**

Ўқиш муддати— 1 йил ёки 6 ой.

Ўқишга қабул қилинганлар 70 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. Бундан ташқари ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процента тўланади. 8 синфни тамомлаб ўқишга келганлар комбинат ҳузуридаги ишчи-ёшлар мактабида ўқишни давом эттирадилар.

Раклистлар группасига Совет Армияси сафларидан қайтган ёшлар қабул қилинади. Стипендия— ойига 80 сўм.

Билим юртини битирувчилар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёздан фойдаланадилар.

Билим юртида намунали спорт базаси, жумладан қишки сузиш ҳавзаси мавжуд, тикиш-бичиш, сартарошлик курслари, вокаль-чолғу ансамбли ишлаб турибди.

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ҚАБУЛ КОМИССИЯЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЛОЗИМ:

ҳунар-техника билим юртига кириш ҳақида билим юрти директори номига танлаган касбингиз кўрсатилган ариза, ўрта мактабни битирганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома еки аттестат), медицина справкаси (286-форма), 3 та фотосурат (3х4 см.), корхона еки ташкилотнинг йўлланмаси (ўқишга ташкилотлар томонидан юборилаётган шахслар учун).

Билим юртига келиши билан ўқишга кирувчи ўз паспорти, ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидаги шахслар учун), ҳарбий билет (запаслари ҳарбий кишилар), бу ҳужжатлар ўқишга кирувчининг шахси делосига ёзиш учун талаб этилади.

Билим юртига кириш ҳақида ариза берган шахс танлаган касби бўйича ишлаш учун соғлиги ва жисмоний ҳолати яроқлилигини аниклаш учун медицина кўригидан ўтади.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

20 ИЮЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

17.50 «Инки айиқча». Мультфильм. 18.05 Сўз — Совет ёзувчилари VII съезднинг чет эллик меҳмонларига. 19.05 Гитарачи Отто де Ла Роч концерти (Никарагуа). 19.30 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!. «Сибирь тупроғи». Томск нефть-химия комбинати йилнинг ишга туширилаётган қурилиши. Кўрсатувда КПСС Томск область комитетининг биринчи секретари Е. К. Лигачёв иштирок этади. 20.00 «Еввойи фаришта». А. В. Луначарский номли Кемерово Давлат театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — А. Коломиец. 21.30 «Время». 22.05 «Еввойи фаришта». Фильм-спектакл давоми. 22.55 «Дунё воқеалари». 23.10 «Таниш оҳанглар» Концерт.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 20.30 С. Есенин лирикаси. 21.00 Стендга отиш бўйича Европа чемпионати. Доира стенди. «Динамо» Олимпиада отиш майдонидан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Денгиздаги жанг». Мультфильм (ЧССР). 21.30 «Время». 22.05 «Биринчи муҳаббат қўшиғи». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Ҳамма нарсани билишни истайман». 18.20 «Советский воин». Тележурнал (рус.). 19.00 «Ўзбекистон балети ҳақида» (такрорий). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ўзбекистон балети ҳақида» (давоми). 20.30 «Ахборот». 20.50 Т. Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! «Озуқа ишлаб чиқариш резервлари». 22.25 «Солдат қалби». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

21 ИЮЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

17.50 Бутунжаҳон студентлар ўйинларида Бухарестдан олиб кўрсатилади. 18.30 «Жасорат». 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Очиқчасига гап». 20.05 «Болалигинг кечган йиллар». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Киноиловалар. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 Латвия ССР Давлат академик опера ва балет театрининг ёш солистлари куйлайди. Ригадан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 Спорт программаси. Ҳозирги замон беш курраши бўйича СССР чемпионати. Стендга отиш бўйича Европа чемпионати. 20.15 Халқаро мавзуларда суҳбат. КПСС Марказий Комитети Халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятин сўзи. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.05 «Улар ўн саккизда эдилар». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Олма ҳақида эртак». Мультфильм. 18.30 «Дастлабки пионер гулханларининг алангаси» (рус.). 19.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! «Кенг истеъмол моллари: муаммолар ва мулоҳазалар». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод саҳифалари». Ю. Семёнов. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари». 22.25 Б. Шоу туғилган кунинг 125 йиллигига. «Миллионер аёл». Фильм-спектакль. 1-серия (рус.). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1981 йилда ўзбек тилида олиб борилади мутахассисликлар бўйича

тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумотга эга бўлганларнинг ҳужжатларини

ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА.

ҚАБУЛ ТАРТИБИ ҲАММА ТЕХНИКУМЛАР УЧУН УМУМИЙДИР.

Техникум адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев кўчаси, 12-уй.

Киров район халқ маорифи бўлими ва 70-ўрта мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси С. Султоновга ўғли

ФАЙЗУЛЛАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти коллективи институт катта илмий ходими А. Бадаловга онаси

Ҳуринисо САЪДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 22-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10, адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 33-55-32; хатлар — 33-29-70, эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-34, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 39-90-50.

20 ИЮЛЬ 1981 й. Р—00436. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. В. — 2162.